

1607/4202 - عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

الْتَّقَىُ هُوَ وَالْمُشْرِكُونَ فَاقْتَتَلُوا، فَلَمَّا مَاتَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى عَسْكَرِهِ وَمَا الْآخَرُونَ

إِلَى عَسْكَرِهِمْ، وَفِي أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلٌ لَا يَدْعُهُمْ شَادَةً وَلَا فَادَةً إِلَّا

اتَّبَعَهَا يَضْرِبُهَا سَيْفِهِ، فَقَيْلَ: مَا أَجْزَأَ مِنَا الْيَوْمَ أَحَدٌ كَمَا أَجْزَأَ فُلَانٌ! فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ

عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَا إِنَّهُ مِنْ أَهْلِ النَّارِ، فَقَالَ رَجُلٌ مِنَ الْقَوْمِ: أَنَا صَاحِبُهُ، قَالَ: فَخَرَجَ مَعَهُ، كُلَّمَا وَقَفَ

وَقَفَ مَعَهُ، وَإِذَا أَسْرَعَ أَسْرَعَ مَعَهُ، قَالَ: فَجُجِّ الرَّجُلُ جُرْحًا شَدِيدًا فَاسْتَعْجَلَ الْمَوْتَ، فَوَضَعَ سَيْفَهُ

بِالْأَرْضِ وَذَبَابٌ بَيْنَ ثَدَيْهِ، ثُمَّ تَحَمَّلَ عَلَى سَيْفِهِ فَقَتَلَ تَفْسِهُ، فَخَرَجَ الرَّجُلُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ

عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: أَشْهُدُ أَنَّكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: وَمَا ذَاكَ؟ قَالَ الرَّجُلُ: الَّذِي

ذَكَرْتَ آنِفًا أَنَّهُ مِنْ أَهْلِ النَّارِ، فَأَعْظَمَ النَّاسُ ذَلِكَ، فَقُلْتُ: أَنَا لَكُمْ بِهِ، فَخَرَجْتُ فِي طَلَبِهِ، ثُمَّ جُجَّ

جُرْحًا شَدِيدًا فَاسْتَعْجَلَ الْمَوْتَ، فَوَضَعَ نَصْلَ سَيْفِهِ بِالْأَرْضِ وَذَبَابٌ بَيْنَ ثَدَيْهِ ثُمَّ تَحَمَّلَ عَلَيْهِ فَقَتَلَ

تَفْسِهُ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عِنْدَ ذَلِكَ: إِنَّ الرَّجُلَ لَيَعْمَلُ عَمَلًا أَهْلِ الْجَنَّةِ فِيمَا يَبْدُو

لِلنَّاسِ، وَهُوَ مِنْ أَهْلِ النَّارِ، وَإِنَّ الرَّجُلَ لَيَعْمَلُ عَمَلًا أَهْلِ النَّارِ، فِيمَا يَبْدُو لِلنَّاسِ، وَهُوَ مِنْ أَهْلِ

الْجَنَّةِ.

1607.4202. Саҳл ибн Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мушриклар билан тўқнашиб, (икки томон) жанг қилишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз аскарлари томон қайтиб, бошқалар ҳам ўз аскари томон қайтганда у зотнинг саҳобалари ичидан бир киши анавиларнинг қочгану қўшилмаганларини ҳам қўймай қувиб, қилич сола кетди. Ҳатто «Бугун ҳеч биримиз фалончичалик иш қилгани йўқ», дейишли. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Хой, у дўзах аҳлидан», дедилар. Қавмдан бир киши: «Мен унга ҳамроҳман»,

деди-да, у билан бирга чиқди. Қачон тўхтаса, бирга тўхтар, тезласа, бирга тезларди. Бояги одам қаттиқ ярадор бўлди. Шунда у ўлишга шошилди: қиличининг дастасини ерга, учини кўксига қўйди, кейин қиличга оғирлигини солиб, ўзини ўлдирди. Бояги киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига чиқиб, «Гувоҳлик бераманки, сиз Аллоҳнинг Расулисиз!» деди. У зот: «Нима бўлди?» дедилар. У шундай деди: «Бояги кишини дўзах аҳлидан деб зикр қилган эдингиз, одамларга бу оғир келди. Шунда мен: «Мен сизларга буни (билиб бераман)», дедим-да, унинг кетидан чиқдим. Кейин у қаттиқ яраланган эди, (оғриққа чидай олмай) ўлимга шошилди: қиличининг дастасини ерга, учини кўксига қўйиб, кейин қиличга оғирлигини солиб, ўзини ўлдирди». Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Бир киши одамларнинг назарида жаннат аҳлининг амалини қиласи, ҳолбуки, у дўзах аҳлидан бўлади. Бир киши одамларнинг назарида дўзах аҳлининг амалини қиласи, ҳолбуки, у жаннат аҳлидан бўлади».

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

